МИНТАҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Г.М.Абдуллаева, Д.Ш.Ҳакимжонова

В статье рассматриваются факторы, влияющие на социально- экономическое развитие, и пути их устранения с целью выравнивания экономики регионов.

This article considers the factors influencing socio-economic development, and ways of their elimination with the purpose of alignment of economy of regions.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги тизимида хусусийлаштириш, эркин иқтисодий муносабатларнинг равнақ топиши ва рақобат муҳитининг пайдо бўлиши ҳамда аста-секин ривожлана бориши кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг янгича тузилмалари, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти билан муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йиллар давомида хусусий мулкчилик муносабатларига асосланган мазкур тузилмалар кишиларда мулкка эгалик ҳиссининг мавжудлиги қай даражада ижобий аҳамият касб этишини амалий жиҳатдан асослаб берди. Бу борада, айниқса, фермер хўжаликлари олиб бораётган фаолияти диққатга сазовардир. Республика қишлоқ хўжалигида фаол рақобат муҳити биринчи бўлиб айнан фермер хўжаликлари ўртасида пайдо бўлди, бу, шубҳасиз, шу тармоқнинг катта мавқега эга эканлигини кўрсатиб берди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов 1994 йилдаёқ буни: “Фермер – бугунги жамиятнинг энг ишончли аъзоси. Бу ҳақиқатни раҳбарлар ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан ҳам эшитиб олсин. Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер халқидан ўргансин” [1], - дея юқори баҳолаган эди.

Мустақиллик йилларида, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, чинакам мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни ҳақиқий мулк эгаси қилиш, давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳукмрон мавқени эгаллайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш иқтисодий ислоҳот натижаси бўлмай, балки унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишнинг энг муҳим йўлларидандир. Қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш натижасида мулк ҳақиқий хўжайинлари қўлига топширилди, уларнинг тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари учун кенг имкониятлар очилди.

Айни вақтда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат Президенти И.А.Каримов уқтирганларидек, бу ерда гап мулкдорни шунчаки алмаштириш – давлатни жамоа, акционер, хусусий мулкдор билан алмаштириш ҳақида бораётгани йўқ. Бу ерда гап мулкни тежаб-тергаб, ишнинг кўзини билган ҳолда тасарруф қила оладиган мулкдорга бериш ҳақида бормоқда. Бу ерда гап ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик ортириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлаб замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган ва шулар негизида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор ҳақида бораётир [2],

Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатчилик муҳитини вужудга келтирадиган шарт-шароитлар юзага келмоқда. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турлари билан шуғулланувчи ёки бир маҳсулот чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган кўпдан-кўп қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкил қилиш билан ажралиб туради. Аммо бу хусусиятлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат муҳити тўла шаклланиб бўлди деган хулосага олиб келмайди. Чунки бир қатор муҳим муаммолар мавжудки, булар қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитининг вужудга келишига сезиларли равишда тўсқинлик қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар – турли мулк шакллари (деҳқон, фермерлари)нинг вужудга келиши, ерга доимий эгалик қилиш, мерос қолдириш ва ижара муносабатларининг қарор топиши, меҳнатга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши кабилар туфайли қишлоқ хўжалиги хом ашёси бозорида аста-секинлик билан рақобат муҳити шаклланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлганлиги туфайли давлат уни назорат қилиш ва ривожлантиришда асосий ўрин тутади.

Рақобатчилик маҳсулот билан тўйинган бозорга хос хусусият ҳисобланган учун ҳозирда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантирувчи механизмлар тўлиқ ишлаётгани йўқ. Маса-

лан, пахта бозорини оладиган бўлсак, бунда умуман рақобат йўқ. Ўз навбатида, бунинг бир қатор сабаблари ҳам бор. Аввало, ягона харидор давлатнинг ўзи. Харидорнинг ягоналиги, пахта хом ашёси етиштирувчилар орасида рақобатнинг деярли йўқлиги бу тармоқнинг жадал ривожланиб кетишига маълум даражада таъсир ўтказмоқда. Мамлакатимизда пахта хом ашёси етиштиришнинг 99 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келади. Агар пахта хом ашёси етиштирувчилар ўз хом ашёларни тўғридан-тўғри жаҳон пахта бозорига, асосан, Республикамизда мавжуд пахта хом ашёси асосида ишлаётган корхоналарга ва бошқаларга сотиш имкониятига эга бўлсалар (уларнинг бу борадаги фаолиятини давлат назорат қилиб турса), рақобат муҳити учун сезиларли имкониятлар юзага келиши мумкин.

Агар биргина 2010 йилнинг пахта –хом ашёси етказиш бўйича эътибор қаратадиган бўлсак 3 млн. 400 минг тоннадан зиёд пахта етказиб беришга эришилди ҳамда 90 фоизи юқори навларга топширилди. [3],

Мамлактимизда иқтисодиётни янгилаш ва модернизациялаш 2009-2012 йилларга мўлжалланнган инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда макроиқтисодий барқарорлик кузатилди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,8 хизмат кўрсатиш 11,2 қурилиш ишлари 9, чакана савдо айланмаси ўсиш ҳажми эса 12,2 фоизни ташкил этди.

Аграр тизимда мулкчилик ва у билан боғлиқ муносабатларни тубдан янгилаш ҳамда ислоҳ қилиш жараёнида асосий вазифа меҳнат муносабатларини қайта ташкил этиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида аграр муносабатларнинг етакчи роли эса бу жараёнларнинг чуқур ва мураккаб характерга эга эканлигини кўрсатади ҳамда эҳтиёткорона ёндашишни тақозо қилади. Гарчи Ўзбекистоннинг ҳудуди унчалик катта майдонни эгалламаган бўлса-да, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни барқарор суръатда таъминлаш, хусусан, иқтисодий юксалишнинг муҳим омили бўлган аграр муносабатларни янада ривожлантиришда минтақавий хусусиятлар алоҳида ўрин тутади.

Фикримизча, булар қуйидагилардир:

биринчидан, мамлакатнинг табиий-географик жойлашуви ва ундаги табиий компонентларнинг айни шу жойлашувга монанд ҳолда ҳудудий хилма-хилликка эгалиги минтақавий хусусиятлар ва тафовутлар келиб чиқишининг асоси ҳисобланади. Маълумки, Ўзбекистон ўзининг табиий географик жойлашуви ҳамда табиий шароитлари ва хусусиятларига кўра бир қатор қулайликларга эга. Хусусан, мамлакат ҳудудининг катта қисми текисликлардан иборат эканлиги, тупроқ таркибининг хўжалик фаолияти учун қулайлиги, асосий деҳқончилик минтақаларида табиий сув ва ҳавзаларининг мавжудлиги, агроиқлим ресурсларининг айни шу компонентларни тўлдириши ва бошқа қатор жиҳатлар мамлакатда аграр тизим тараққиёти учун катта имкониятлар яратади. Лекин шу билан бирга, чўл ва чала чўл минтақаларининг кенг тарқалгани, табиий компонентларда рўй бераётган жараёнлардаги салбий ҳолатларнинг кузатилиши, яъни экологик муҳитнинг ёмонлашуви (Орол денгизи сув сатҳининг кейинги 20 йил ичида кескин пасайиб кетиши, айрим ҳудудларда иккиламчи шўрланиш ҳолатларининг келиб чиқиши, иқлимий ўзгаришлар, хусусан, 2000-2001 йилларда Қуйи Амударё ҳавзасида қурғоқчиликнинг рўй бериши) кабилар ҳам минтақавий экологик тафовутларнинг бир мунча кескинлашувига олиб келади [4];

Шу ўринда минтақаларнинг иқтисодиёти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда минтақани иқтисодий географик жиҳатдан баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунончи, масалага «иқтисодий қутблар» назарияси (Перру) бўйича ёндашадиган бўлсак, минтақаларнинг мамлакатдаги йирик иқтисодий марказларга қай даражада яқин ёки олисда жойлашгани маълум маънода ҳудудий тафовутларни келтириб чиқаришининг асосидир;

иккинчидан, мамлакат минтақаларининг катта қисмида аҳолининг аввалдан ўтроқ ҳолда яшаб келаётгани ва мамлакатдаги демографик жараёнларнинг ўзига хос тартибда ривожланиши маълум маънода ҳудудий тафовутлар ва хусусиятларнинг келиб чиқишида катта ўрин тутади. Чунончи, эркин иқтисодий фаолиятнинг таъминланиши, маданий-маърифий соҳалардаги юксалишлар, саноат ва инфратузилмалар тизимида ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида истиқлол йилларида шаҳар аҳолиси сонининг ўсиши юз бермоқда. Бундан ташқари, айни шу омиллар таъсирида қишлоқ аҳолисининг маятниксимон миграция ҳаракати ҳам кучайиб бормоқда.

Агар юқоридаги омиллар асосан шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни келтириб чиқарса, аҳоли сони ва зичлиги юқори бўлган ҳудудларда ўзига хос жиҳатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг равнақ топиши, инвестицион оқимларнинг ўсиши (асосан хорижий ва миллий, жумладан, хусусий инвестициялар), аҳоли истеъмолидаги таркибий ўзгаришлар кабилар билан шаклланган. Шу маънода ҳам демографик муносабатларнинг тараққиёт даражаси аҳолининг иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий тафаккурига ўз таъсирини кўрсатади;

учинчидан, мамлакат минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳудудий тафовутларнинг сақланиб қолиши ва бу жараённинг мантиқий характерга эга эканига аксиома сифатида қаралади. Чунки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нафақат ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг натижаларига (даромад, истеъмол, жамғарма ва

бошқалар) боғлиқ, балки ишлаб чиқариш муносабатларида бош омил сифатида баҳоланувчи табиий ва ижтимоий-иқтисодий хилма-хилликка ҳам бирдек алоқадор саналади. Шунингдек, кишиларнинг дунёқараши, тафаккури ҳам минтақа, халқ, мамлакат, миллатлараро ижтимоий тафовутнинг келиб чиқишида ўзига хос роль ўйнайди. Чунки инсон тафаккури асрлар давомида қарор топади ҳамда ўзида ўтмиш, бугун ва келажакнинг ўзаро уйғунлигини ифода этади;

тўртинчидан, мамлакат минтақаларида аҳоли хўжалик фаолиятининг қадимдан айни бир муайян йўналишлар бўйича ихтисослашув жараёнлари ва қонуниятларига асосланган тармоқ ва ҳудудий фарқланишларнинг ўзига хос ечимига эга. Ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти ҳеч қачон ихтисослашув жараёнларини четлаб ўтмаган ва, ўз навбатида, улар мамлакатларда ҳудудлар ва тармоқлараро тафовутларнинг келиб чиқишида бош омил сифатида ўрин тутади. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги ихтисослашувнинг рўй бериши биринчи галда табиий ва ижтимоий омилларга ҳамда уларнинг хўжалик муносабатлари учун қай даражада қулайлигига боғлиқ.

Ихтисослашув жараёнлари оқибат натижада ҳудуд ва тармоқларнинг миллий даромаддаги муайян салмоқни эгаллашида рақобат муҳитини ҳам келтириб чиқаради. Шу ўринда юзага келадиган тафовутларни маълум даражада камайтиришда давлатнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва уни тартибга солиш бўйича амалга оширадиган тадбирлари, дастурий ёндашувлари мавжуд муаммоларни бартараф этишга ҳамда рақобатларни мумкин қадар юмшатиб боришга хизмат қилади.

Шу ўринда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва жойлашувига таъсир этувчи омиллар таҳлили хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кундаги кўп укладли мулкчилик шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланиши ва жойлашувида, қолаверса, тармоқ ривожланишининг ҳудудий тафовутларини мумкин қадар қисқартиришда қуйида кўрсатилган учта гуруҳдаги омиллар катта ўрин тутади.

1. **Табиий-экологик омиллар**. Уларга ҳудуднинг тупроқ, агроиқлим, сув ресурслари ва суғориш тизими, рельеф тузилишини киритиш мумкин.

2. **Иқтисодий ва ижтимоий омиллар**. Уларга меҳнат ресурслари ҳаракати ва уларни шакллантириш тизими (ўқув юртлари), агроинфратузилмалар тизими, транспорт хизмати тизими, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатининг ривожланганлиги, ҳудуд хўжаликларининг ривожланганлиги ҳамда ҳудуднинг экспорт салоҳияти киритилади.

3. **Давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсати** минтақаларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга давлат буюртмалари ҳажми, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини рағбатлантириш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш, имтиёзли нарх, солиқ ва кредит сиёсатини юритиш муҳим омил ҳисобланади.

Айни шу омиллар Ўзбекистондаги изчиллик билан амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлар шароитида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Тармоқ ва ҳудудий тафовутлар, хилма-хилликларни биз хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, миллий ҳамда хусусий инвестициялар оқимларининг вужудга келиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, инфратузилмаларнинг ташкил топиши ва тармоқлар ривожланиши даражасининг ҳудудий фарқланишга эга эканлиги каби ҳолатларда кўришимиз мумкин.

Шундай бир шароитда Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш жараёнлари иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш муаммосига янгича ёндашувни ҳамда бу борада ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳудудий дастурларни амалга оширишни тақозо этиб, у бозор муносабатлари ва аҳоли талабларига монанд келадиган таркибларни (тармоқ ва ҳудудий) шакллантиришнинг йўллари ва чора-тадбирларини ўзида мужассамлаштириши лозим бўлади.

Адабиётлар:

1.Каримов.И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995.- Б. 180-181

2.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. / Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг 2007 йил якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи.- 2008.- 9 февраль

3. Каримов.И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир мавзусидаги маърузаси. – Халқ сўзи.- 2010.- 8 декабр.

4. О.Абдуллаев. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти.- Т., 2009

Андижон давлат университети
2010 йил 9 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Қ.Муфтайдинов)